Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1936 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 42 (8282). | 25 февраль, 1984 йил ● ШАНБА ● | Баҳоси 3 тийин.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети 1984 йилги февраль Пленуми якунлари билан боғлиқ бир қанча ташкилий-сиёсий ва пропаганда ишига доир масалаларни кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко мажлисда сўзга чиқиб, совет экономикасини ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини янада юксалтириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Партия ва давлат мана шу йўналишларга доимо эътибор бериб туриши керак. Марказдаги ва жойлардаги партия, совет ва хўжалик органлари омма билан алоқаларини доимо мустаҳкамлашлари, хўжалик ишларинигина эмас, шу билан бирга тарбиявий ишларни ҳам яхшилашлари, халқнинг бутун ижодий кучлари ҳаракатга келишига эришишлари, совет кишиларининг онглилиги ва ғоявий эътиқодини кучайтиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми якунларини партия комитетлари пленумларида ва партия активи йиғилишларида, бошланғич партия ташкилотларида, шунингдек касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларида, министрликлар ва идоралар коллегияларининг мажлисларида кенг муҳокама қилиш белгиланди. Бунда давлат планларини бажаришга, социалистик мусобақани авж олдиришга, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, уюшқоқликни, тартиб ва интизомни кучайтириш тадбирларини қунт билан амалга оширишга энг кўп аҳамият берилиши лозим.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми йўл йўриқларини амалга ошириш ва тушунтириш соҳасидаги ҳамма ишлар партия сафларининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга, 1984 йилги ва умуман беш йилликнинг план топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга меҳнаткашларни сафарбар қилишга қаратилиши лозимлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида К. У. Черненко, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, Г. А. Алиев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев ва К. В. Русаковларнинг Ю. В. Андроповни дафн этиш маросимига қатнашиш учун Совет Иттифоқига келган чет эл делегацияларининг бошлиқлари билан қилган суҳбатлари якунларини муҳокама этди. Сиёсий бюро шу суҳбатларни маъқуллаб, партия ва давлатимизнинг қардош социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва жипсликни, ўзининг миллий озодлиги учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган халқлар билан бирдамликни мустаҳкамлашга, ижтимоий-сиёсий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларини амалга оширишга қаратилган йўли ўзгармаслигини ва давомийлигини яна бир марта таъкидлаб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси кўкламги экишга тайёргарлик планлари қандай бажарилаётганлиги, хўжаликлар сифатли уруғлик, ўғит, техника ва бошқа ресурслар билан қандай таъминланганлиги тўғрисида СССР министрлари В. К. Месяц, Н. Ф. Васильев, А. А. Ежевский ва Л. И. Хитруннинг ахборотларини тинглади. Бу соҳадаги мавжуд камчиликни ва қолоқликни бартараф этиш, планда белгиланган миқдорда маҳсулот олинишини ва ғалла ҳамда бошқа деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлашни таъминлаш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга министрликларнинг эътибори жалб этилди. Бу ишда бевосита колхозлар, совхозлар, бригада ва звенолардаги ишлар биринчи ўринга қўйилиши, бу ерда ишчи кучи ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкон берадиган, пухта ўйлаб тузилган қарорлар дарҳол қабул қилиниши, мазкур ресурсларнинг нобуд ва исроф бўлишига йўл қўйилмаслиги керак.

Партия комитетлари олдига ишнинг ҳал қилувчи участкаларига партиявий таъсирни кучайтириш, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, мўл ҳосил олишнинг муқаррар шарти бўлган бутун агротехника тадбирлари комплексининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши ғоят муҳим эканлигини ҳар бир меҳнаткашнинг чуқур билиб олишига эришиш, маъсулиятсизлик ва ландовурликнинг ҳар қандай кўринишига, ишлаб чиқариш ва технология интизомининг бузилишига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш вазифаси қўйилди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, агросаноат комплексининг барча бўлинмаларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштиришни таъминлаш, ҳамма жойда амалий иш кайфиятини, беш йиллик тўртинчи йилининг ҳосили учун курашнинг маъсулиятли вазифаларини бажаришга ижодий ёндашувни мустаҳкамлаш топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида партия, давлат ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

МАРТ 4 ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР

# ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ — ЯКДИЛ

## • АНДИЖОН

ШАҲРИХОН. (Андижон области), 23 февраль. (ЎзТАГ). Избоскан сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Нормаҳонмади Жўраевич Худойбердиев билан бугун бўлиб ўтган учрашуви қатнашчилари Коммунистик партия ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, қизғин қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Москва районидаги «Октябрь» колхозининг раиси М. Холматов йиғилиш аҳлига Н. Ж. Худойбердиевнинг ҳаёт йўлини гапириб берди, сайловчиларни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси М. Азимова, «Ленинизм» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қўчқоров, район болалар касалхонасининг врачи М. Алимова ва бошқа нотиқлар ўз нутқларида округ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорларини ғоят маъқуллаб, кутиб олганликлари тўғрисида, жонажон Коммунистик партияга бўлган чексиз ишонч ҳақида гапирдилар. Улар меҳнат коллективлари КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашаётганликларини, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, планлар ҳамда юксак мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажариш учун бутун кучларини сарфлашга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олишга азму-қарор берганликларини таъкидладилар. Нутқларда қайд этиб ўтилганидек, мамлакат давлат ҳокимияти олий органи сайловига тайёргарлик юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда ўтмоқда.

Н. Ж. Худойбердиев сўзлаган нутқида юксак ишонч учун сайловчиларга сидқидилдан миннатдорчилик билдириб, халққа хизмат қилиш учун куч-ғайратимни аямайман, деб ишонтирди.

Сайловчилар депутатликка номзодга ўз наказларини бердилар.

## • ФАРҒОНА

ФАРҒОНА. 23 февраль. (ЎзТАГ). Бугун область сиёсий маориф уйининг залида сайловчиларнинг Фарғона сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Тимофей Николаевич Осетров билан учрашуви бўлди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, Фарғона механика заводи партия комитетининг секретари В. Д. Мартинов йиғилиш аҳлига унинг ҳаёт йўлини сўзлаб берди. У сайловчиларни 4 март куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун ахил бўлиб овоз беришга даъват этди.

Фарғона пиллакашлик фабрикасининг пиллакаши О. Хонимқулова, уйсозлик комбинатининг катта инженери Л. А. Великоречина, Фарғона районидаги Ленин номли колхоз бригадири К. Аҳмедов ва бошқа нотиқлар КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми якунларини қизғин маъқуллаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Ленин партиясининг қатъий ва ўзгармас йўли, дейишди улар, мамлакат экономикасини янада юксалтиришга, халқ фаровонлигини оширишга, Ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатига жавобан меҳнат коллективларида шу йилги ва умуман беш йиллик планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақа кенг авж олиб кетганлигини қайд этиб ўтдилар.

Учрашувда Т. Н. Осетров нутқ сўзлади. У ўзига кўрсатилган юксак ишонч учун сайловчиларга қизғин миннатдорчилик билдирди, бу ишончни коммунистик қурилиш ишига садоқат билан хизмат қилиб оқлайман, деб ваъда берди.

## • ТОШКЕНТ

**ТОШКЕНТ. «Политотдел» колхози.** Кеча колхоз Маданият саройида 606-Калинин сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович Мусахонов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози правлениеси раиси Хван Ман Гим М. М. Мусахоновнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида учрашув қатнашчиларига сўзлаб берди.

Учрашувда сўзга чиққан Паркент районидаги «Ленинобод» совхози директори Т. Ризаев, Коммунистик районидаги Макаренко номли 34-ўрта мактабнинг дарсдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси Л. Г. Минская, Калинин районидаги 11-механизациялашган кўчма колонна дурадгори А. Ғаффоров, Калинин районидаги «Назарбек» совхози ишчиси, ёш сайловчи З. Иброҳимова, Тошкент районидаги сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Н. С. Бакурас ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ҳамда 1984 йил февраль Пленумлари қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини, партия белгилаб бераётган вазифаларни тўла-тўкис амалга оширишга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигини меҳнатда янги-янги зафарлар билан нишонлашга қатъий азму-қарор қилганликларини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда сўз олганлар ўз номзодларига наказлар бердилар.

Учрашувда депутатликка номзод М. М. Мусахонов ўзига билдирилган юксак ишонч учун сайловчиларга самимий миннатдорчилик изҳор этди ва халқ номзоди деган юксак номни оқлаш учун бутун куч-ғайратини сарфлашга сўз берди.

Йиғилиш барча сайловчиларни коммунистлар ва партиясизлар блоки номзодлари учун ҳамда унинг муносиб вакили М. М. Мусахонов учун якдиллик билан овоз беришга даъват этди.

# ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТГА ДОИМО ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 24 февралда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг талаблари асосида физкультура ва спортни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган республика кенгашини чақирди.

Кенгашга партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, физкультура активлари, етакчи тренер ва спортчилар таклиф қилинди.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев очди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева доклад қилди.

Кенгашда СССР Физкультура ва спорт комитетининг раиси М. В. Грамов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

# ПАРТИЯ СИЁСАТИНИНГ ОЛИЙ МОҲИЯТИ

## *Сайловчиларнинг Г. А. АЛИЕВ билан учрашуви*

23 февраль куни Озарбайжон пойтахтида Боку — Ленин сайлов округи сайловчиларининг шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Гейдар Алиевич Алиев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, «Бакинский рабочий» машинасозлик заводининг электр пайвандчиси М. Б. Абдул-Алиев Г. А. Алиевнинг ҳаёт йўлини гапириб берди ва сайловчиларни 4 март сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорларини Озарбайжон меҳнаткашлари жанговар ҳаракат программаси деб кутиб олганликлари ҳақида гапирдилар. Пленум партия билан халқнинг бузилмас иттифоқини яққол намойиш этди.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган Г. А. Алиев нутқ сўзлади. У билдирилган ишонч учун сайловчиларга миннатдорчилик изҳор этди.

— Сайлов кампанияси кунларида биз оғир жудоликка учрадик,— деди сўнгра Г. А. Алиев. Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Ю. В. Андропов вафот этди. Ўзининг бутун умри, кучи, билимини коммунистик ғояларнинг тантанаси учун сарфлаган инсоннинг хотирасига муносиб ҳурмат бажо келтириш билан бирга совет кишилари ўз сафларини жонажон Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирдилар.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумини, Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганлигини сидқидилдан кутиб олдилар. Бунда партияга бўлган ишонч, ҳамма муваффақиятларимиз ва ғалабаларимизга партия раҳбарлигида эришилганлигини, унинг йўли — меҳнат аҳлининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган бирдан-бир тўғри йўл эканлигини чуқур англаш туйғулари яққол намоён бўлди. Коммунистлар, бутун халқ ўртоқ К. У. Черненко партиямиз ва давлатимизнинг атоқли арбоби эканлигини, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиб, амалга оширишга, унинг бош йўлини назарий жиҳатдан асослашга салмоқли ҳисса қўшаётганлигини яхши биладилар.

Депутатликка номзод аввалги сайловдан ўтган вақт ичидаги даврни таърифлаб, бу давр халқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда, социал программаларни амалга оширишда, яъни комплекс тарзда ривожланган социализмни янада такомиллаштиришни билдирувчи бутун кўп қиррали фаолиятда янги-янги муваффақиятлар билан нишонланганлигини уқтириб ўтди.

Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари Ватанимиз ютуқларидан фахрланиш билан бирга ўз фикр-зикрларини эртанги кунга, янги, янада улуғвор ишларга қаратадилар. КПСС XXVI съезди ҳужжатларида белгиланган ва Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида мустаҳкамланиб берилган иқтисодий ва социал ривожланиш стратегиясини муваффақиятли равишда ва тўла-тўкис рўёбга чиқариш тўғрисида ғамхўрлик қилиш—ҳозир совет кишиларига хос бўлган ўз мамлакатининг хўжайини туйғуси намоён бўлаётган энг асосий белгидир.

Совет кишилари шуни яхши биладилар: КПСС нимаики қилмасин, ҳаммасини инсон учун, инсоннинг манфаатлари учун қилади. Бу шиор сиёсатимизнинг олий моҳиятини ифодалайди, бу ишлар бизнинг байроғимизга ёзиб қўйилган. Биз ундан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Нотиқ совет экономикаси ҳал этаётган вазифаларни таҳлил қилиб, транспортни ривожлантириш проблемаларига алоҳида тўхталди. Бизнинг мамлакатимиз каби жуда катта мамлакат шароитида транспорт бениҳоя кўп қиррали роль ўйнайди. Унинг иқтисодий роли катта. Чунки транспорт мамлакатнинг бамисоли иқтисодий қон томиридир. Кўп жиҳатдан у ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви пухталиги, республикалар, ўлкалар ва областлар, территориал ишлаб чиқариш комплекслари ўртасидаги хўжалик алоқаларининг самарадорлигини белгилаб беради. Уларнинг яхлит халқ хўжалик комплексига бирлашувини таъминлайди.

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бу соҳадаги ишларни тубдан яхшилашга қаратилган бир қанча катта-катта тадбирларни амалга оширдилар. Бу тадбирлар сезиларли натижалар берганини уқтириб ўтиш ёқимлидир. Чунончи кейинги йиллар мобайнида биринчи марта темир йўл транспортининг иши яхшиланди. У беш йилликнинг учинчи йили асосий кўрсаткичларини бажарибгина қолмай шу билан бирга 1981 ва 1982 йилларда йўл қўйилган қолоқликни ҳам тугатди.

Транспортнинг ўзига хос ижтимоий қиёфаси бўлмиш пассажир ташишни яхшилаш алоҳида аҳамиятга эга. Очиғини айтганда, ҳозирча бу қиёфа ҳамиша ҳам чиройли эмас. Пассажирларга хизмат қилиш савияси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Г. А. Алиев бутун диққат-эътиборни умуман социал-маданий соҳанинг самарадорлигини қатъият билан ошириш зарурлигига қаратди. Бу ўринда аввало шу соҳада меҳнат қилувчи кишилар бош роль ўйнайдилар. Уларнинг бурчи совет кишиси ҳамма жойда ва ҳамиша ўз эҳтиёжларини ҳозирги замон шароитида имкони бўлганича кўпроқ даражада, социалистик турмуш тарзининг идеаллари ва стандартларига мувофиқ тарзда қондира олишини таъминлашдан иборат.

Совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни партиямиз билан давлатимиз доимо ўзларининг энг муҳим социал вазифаларидан бири деб ҳисоблаб келмоқдалар. Аввалги сайловдан кейин ўтган йиллар ичида халқ соғлиғини сақлашни яхшилаш учун кўп иш қилинди. Аммо ҳали ҳам бирталай камчиликлар бор. Аввало поликлиникалар, амбулаториялар, диспансерлар, касалхоналар ишини анча яхшилаш лозим. Соғлиқни сақлашнинг касалликлар олдини олишга қаратилган йўналишини ва аҳоли орасида медицина билимларини тарқатишни қатъиян яхшилаш — соғлиқни сақлашни такомиллаштиришдаги бош вазифадир. Соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми белгилаб берган ҳақиқий стратегик программаси шу мақсадга хизмат қилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу программани бажаришга киришилмоқда. Бу ўринда гап бутун аҳолини ҳар йили диспансер кўригидан ўтказиб туришни жорий этиш тўғрисида бормоқда.

Совет халқи олдида турган вазифаларни ҳал этишга Озарбайжон меҳнаткашларининг шонли кўп миллатли отряди, республика Коммунистик партияси муносиб ҳисса қўшмоқда, деди сўзини давом эттириб Г. А. Алиев.

Мамлакатимиздаги ҳар бир республиканинг, ҳар бир халқнинг муваффақияти каби Совет Озарбайжонининг муваффақиятлари ҳам КПСС ленинча миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг натижасидир. Бу сиёсат битмас-туганмас ҳаётбахш кучнинг жуда ёрқин далилидир.

Совет халқларининг дўстлиги — бизнинг бебаҳо бойлигимиздир, социализм ғалабаларидан биридир, бу ғалабалар эса бутун жаҳон цивилизациясини янада бадавлат қилади. Уни янги поғонага кўтаради. Совет халқларининг дўстлиги иқтисодий, социал ва маданий тараққиётнинг илгари мисли кўрилмаган манбаини очиб берди, имкониятларимизни кўп карра оширди, сифат жиҳатидан янги ,моҳият-эътибори билан интернационал маънавий, эстетик ва ахлоқий фазилатларни юзага келтирди.

Сўнгра нотиқ халқаро аҳвол проблемаларига тўхталди, Коммунистик партия билан Совет давлатининг изчил тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини таърифлаб берди.

Партия сайловга мамлакатни иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан янада юксалтириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, ядро уруши хавфига қарши, тинчлик учун кураш программаси билан ҳозирлик кўрмоқда, деди сўзининг охирида Г. А. Алиев. Бу программа ишчилар синфининг, бутун совет халқининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, совет халқи уни астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда. Бу эса ҳамиша планларимиз, албатта, ҳаётга татбиқ этилишининг мустаҳкам гаровидир.

(ТАСС).

# ОЛДИНДА КАТТА ИШЛАР ТУРИБДИ

## *Сайловчиларнинг Д. А. КУНАЕВ билан учрашуви*

СССР Олий Советига сайлов куни яқинлашган сари мамлакат меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ва ишлаб чиқаришдаги ғайрат-шижоати ошиб бормоқда. Олмаота — Ленин сайлов округининг сайловчилари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаев билан учрашмоқ учун баланд рух билан 23 февраль куни В. И. Ленин номидаги саройга келдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Олмаота ип газлама комбинати йигирув-тўқув фабрикасининг директори В. И. Истомин Д. А. Кунаевнинг ҳаёт йўлини гапириб берди, сайловчиларни сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Олмаота, бутун республика меҳнаткашлари, деб уқтиришди нотиқлар, КПСС Марказий Комитетининг СССР барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатига конкрет ишлар билан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш билан жавоб бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари февраль Пленумининг қарорлари жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Қозоғистон меҳнаткашлари 1983 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра, республика пойтахтига, бир қанча областлар ва районларга, меҳнат коллективларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари берилганлигига жавобан бутун дунёда тинчлик таянчи бўлган советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга интилмоқдалар.

Сўнгра йиғилиш аҳли самимий кутиб олган Д. А. Кунаев нутқ сўзлади. У кўрсатилган шараф учун барча сайловчиларга чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Марказий Комитетнинг февраль Пленуми, деди нотиқ, партиямиз ва давлатимизнинг таниқли арбоби ўртоқ Константин Устинович Черненкони бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади. Леонид Ильич Брежнев билан Юрий Владимирович Андропов сингари атоқли арбобларнинг содиқ сафдоши бўлган К. У. Черненко катта обрў-эътиборга, партия ва давлат фаолиятининг қимматли тажрибасига, Ленин типидаги раҳбарнинг барча фазилатларига эга бўлиб, совет кишиларининг чуқур ҳурмат-эҳтироми ва муносиб ишончига сазовордир. КПСС Марказий Комитети Пленуми партиямиз бош йўлининг ўзгармаслигини, мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқи фаровонлигини ўстириш, социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш учун партиямиз бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилишга қатъий аҳд қилганлигини таъкидлади.

Партия, деб уқтирди сўнгра депутатликка номзод, сайловни КПСС Марказий Комитетининг СССР барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатида баён этилган ва меҳнаткашларнинг туб манфаатларини акс эттирган аниқ ва равшан программа билан кутиб олмоқда. Партиянинг ленинча йўли совет халқи томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда, унинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини оширмоқда, КПСС, унинг коллектив ўзаги ва жанговар штаби — Марказий Комитет теварагида метиндек мустаҳкам жипслашишимизга ёрдам бермоқда.

СССР Олий Советига бундан аввал бўлиб ўтган сайловдан кейинги давр ижодий изланишларга, меҳнат ғайратига, партия билан халқнинг зўр зафарларига бой бўлиб, ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар билан нишонланди. Бу воқеаларнинг аҳамиятини даврга тенг воқеалар деб дадил айтиш мумкин.

Партиянинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари асосий воқеалар бўлди. Партиямиз мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий потенциали, унинг халқаро обрў-эътибори муттасил ошиб бориши учун, унинг мудофааси тегишли даражада бўлиши учун ҳамма ишларни қилмоқда.

Улуғ советлар мамлакатининг қўриқ ва космик жасоратлар диёри — совет Қозоғистони ҳам бутун мамлакат билан биргаликда комил ишонч билан ривожланмоқда. Республикамиз бой бўлган ва шуҳрат қозонган ҳамма нарсалар унинг меҳнатчиларининг, барча ёш ва касбдаги кишиларнинг муштарак куч-ғайратлари билан кўпайиб бормоқда, бутун совет халқининг, социалистик ҳамдўстликнинг, коммунизм қуришдан иборат буюк муштарак ишимиз манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқда ва хизмат қилаберади. Республиканинг индустриал қудрати ўсиб бормоқда. Жаҳондаги ҳар қандай ривожланган мамлакатни қойил қолдириши мумкин бўлган ноёб территориал ишлаб чиқариш комплекслари муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Табиий ресурсларнинг ғоят бой запаслари хўжалик оборотига жалб этилди ва жалб этилмоқда. Янги конлар, шу жумладан нефть ва газга ғоят бой бўлган конлар очилди.

Республиканинг агросаноат потенциали муттасил ўсиб бормоқда. Ҳатто бултурги, ниҳоятда мураккаб қурғоқ келган йилда ҳам Қозоғистон Ватан омборларига 908 миллион пуд юқори сифатли дон тўкди. Қўриқни ўзлаштиргунга қадар бундай ҳажмлар тўғрисида орзу ҳам қилиб бўлмас эди. Буларнинг ҳаммаси — мамлакатнинг Озиқ-овқат программасига биз, қозоғистонликлар қўшган ҳисса бўлиб, шу программани рўёбга чиқаришда республикага фахрли ва жуда масъулиятли ўрин берилган.

Республиканинг иқтисодий муваффақиятлари КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан йўлнинг чуқур ҳаётийлиги ва тўғрилигини яққол тасдиқлаб турибди ҳамда меҳнаткашлар фаровонлигини, уларнинг маънавий маданиятини янада ўстиришнинг энг ишончли негизидир.

Совет жамиятининг бузилмас маънавий-сиёсий бирлиги, унинг Ленин партияси теварагида маҳкам жипслашганлиги, КПССнинг ленинча миллий сиёсати — амалга оширилган ва амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг асосидир.

Қозоғистон Россияга ихтиёрий равишда қўшилганлигининг 250 йиллигини байрам қилиш ҳақиқий интернационализмнинг ёрқин далили бўлди. Бу байрам дунёда халқларнинг ленинча бузилмас дўстлигидан ажойиброқ, мустаҳкамроқ ва ҳаётбахшроқ куч йўқ ва бўлмаганлигини, халқларнинг марксизм-ленинизм идеалларига содиқлигини, уларнинг муштарак эзгу мақсад — коммунизм йўлидаги ғоят мустаҳкам қардошлигини яна бир бор жуда яққол исботлади. Ленин бизга васият қилган халқлар улуғ дўстлигини бундан буён ҳам ғамхўрлик билан авайлаб асраб, мустаҳкамлайверайлик!

Д. А. Кунаев ўз нутқида интизомни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, юксак турмуш маданияти масалаларига каттагина ўрин бериб, ишчи инсоннинг, унинг оиласи кайфияти, турмуши, соғлиғи билан боғлиқ бўлган барча системаларнинг фаолиятини бундан буён ҳам тинимсиз яхшилаш, бюрократизм ва сан-солорликнинг ҳар қандай кўринишларини қатъиян тугатиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Саноат, транспорт ва алоқа, капитал қурилишнинг барча тармоқлари, қишлоқ экономикаси, фан ва маданият юзасидан социалистик мажбуриятларни ҳамма жойда бажариш муҳимдир.

Ҳозир республикада нимаики қилинаётган бўлса, инсон учун ва инсоннинг бахт-саодати учун, янги дунёнинг маънавий бойликларини, қулай жамоат иқлимини, чинакам коллективчиликни қарор топтириш, социалистик турмуш тарзига ёт бўлган ҳамма нарсаларни таг-томири билан қатъиян тугатиш учун қилинмоқда.

Пировардида Д. А. Кунаев кўрсатилган шараф учун сайловчиларга яна бир бор сидқидилдан миннатдорчилик билдириб, шу юксак ишончни оқлаш учун бутун куч-ғайратим, билимим ва тажрибамни сарфлайман, деб ваъда берди.

(ТАСС).

## *СССР Министрлар Советида*

СССР Министрлар Совети 1984 йил 11 март якшанба дам олиш кунини 9 март жума кунига кўчиришга қарор қилди.

